**«ТАСДИКЛАЙМАН»**

Фарғона шаҳар 2-сонли шифохона бош врачи :

Б.Б.Абдурахмонов

_______________________

"23" ___02___ 2022й

Фарғона шаҳар тиббиёт бирлашмасига қарашли Фарғона шаҳар 2-сонли шифохонасининг 2022 йил давомида даволанаётган беморлар учун 3 махал (нонушта, тушлик 1-2 таом ва кечки овқат) иссиқ пархез таомларни тайёрлаш бўйича аутсорсинг хизматлари учун

# Энг яхши таклифларни танлаб олиш хукжатлари

Буортмачи: Фарғона шаҳар 2-сонли шифохона

Фарғона 2022

**Фарғона шаҳар 2-сонли шифохонасида даволанаётган беморлар учун 3 махал** (нонушта, тушлик 1-2 таом ва кечки овқат) **даволаш пархез таомларини тайёрлаш юзасидан ўтказиладиган** танлов бўйича

## ТЕХНИК ТОПШИРИҚ

1. Харид объекти номи: Фарғона шаҳар 2-сонли шифохонасида даволанаётган беморлар учун 3 махал (нонушта, тушлик 1-2 таом ва кечки овқат) пархез таомларини тайёрлаш бўйича хизмат кўрсатиш.

2. Хизмат кўрсатиш жойи: Буюртмачининг ошхонаси ва кўшимча хоналари, ижрочи билан тузиладиган ижара шартномаси ва имзоланадиган қабул килиш-топшириғи далолатномаси асосида, техник ускуна ва жихозлар билан бирга ижарага берилади.

3. Таклиф қилинаётган хафталик (7 кунлик) таомнома 1-15 сонли даволаш пархез -таомларига мувофиқ бўлиши лозим.

4. Таклиф қилинаётган хафталик таомномада озиқ-овқат махсулот нархлари, бюджет маблаглари олувчилар томонидан харид килинадиган озик-овкат махсулотларининг энг юқори нархидан оширмаслик ва тақдим этиладиган таомларнинг калорияси меъёрга мувофиқлиги хисобга олиниши лозим. Хафталик таомнома техник топшириқнинг 1-иловасида кўрсатилган шаклда тузилиши лозим. Бир бемор учун кунлик ўртача озиқ-овқат махсулот меъёрлар тўплами Ўзбекистон Республикаси ССВ 1993 йил 19.03 кунги № 122-сонли буйруғи асосида техник топшириқнинг• 2-иловасида кўрсатилган.

5. Танловда энг кам тижорат таклифини таклиф қилган талабгорнинг таклифларини эмас, балки энг яхши таклифни берган талабгорни таклифини кабул килади.

6. Тижорат таклифини бахолаш мезонлари 3-иловада кўрсатилган

7. Хизмат кўрсатиш муддати: Шартнома тузулган кундан йил якунига қадар 31. 12.2022 йил давомида.

8. Кўрсатиладиган хизматларнинг қисқача тавсифи.

Ижрочи даволаш пархез таомларини тайёрлаш бўйича хизматларни кузатиши лозим, бунда пархез таомларини тайёрлаш учун зарур бўлган

барча хизматлар мажмуаси қамраб олинади, хусусан: махсулотларни харид қилиш, барча санитар гигиена меьёрлар ва қоидаларига риоя қилган холда таомнома рационига мувофиқ даволаш пархез таомларини тайёрлаш, бўлимларга тарқатиш ва бошқалар.

9. Хизматлар кўрсатишга умумий талаблар.

9.1. Хизматлар сифати мазкур техник топшириқнинг талабларига мос булиши хамда беморларнинг, улар соғлиқни сақлаш муассасида бўлиши даврида уларнинг мувозанатлаштирилган овқатланишга бўлган эхтиёжларини, шу жумладан озуқа

моллалари ва қувватига бўлган физиологик эхтиёжларини қондириши лозим.

9.2. Ижрочи озиқ-овқат махсулотларини шу жумладан тез айнийдиган ва айниқса сифати тез бузиладиган озиқ-овқат махсулотларини сақлашга, ишлаб чиқарувчи томонидан берилган мувофиқлик сертификатида кўрсатилган яроқлилик муддати харорат ва намлик шароитлари хамда сақлаш шартларига риоя қилиши шарт.

9.3. Ижрочи хизматлар кўрсатишда муассасага зарур хажмда озиқ-овқат махсулотини етказиб беришни таьминлаш бўйича Ўзбекистон Республикасининг Санитария конунчилигига риоя этилишини кафолатлаши керак.

9.4. Ижрочининг ошпазларида Соглиқни сақлаш вазирлиги томонидан берилган малка тоифаларини белгилаб берувчи сертификатлари бўлиши лозим.

9.5. Ижрочи Ўзбекистон Республикаси Соглиқни сақаш вазирлигининг ”Ўзбекистон Республикаси Соглиқни сақлаш вазирлиги тизимидаги тиббиёт муассасаларида санитария-гигиена, эпидемияга қарши ва дезинфекция қилиш режимларига риоя қилиш тўғрисида”ги 29.12.2007 йилдаги буйруғига риоя этилиши лозим.

9.6. Шартнома Вазирлар Махкамасининг 2020 йил 10 январдаги 1 б-сон қарорига 2 илова бўйича Ўзбекислон Республикаси Соглиқни сақлаш вазирлиги тузилмасидаги ташкилотларда аутсорсинг- хизматлари кўрсатиш тартиби тўғрисидаги Низомига мувофиқ амалга оширилади.

Қуйдаги харажатлар ижрочи зиммасида бўлади:

_ бинолар ва жихозларни тегишли холатга мақсадга мувофиқ сақлаш, техник соз холатда бўлишини таьминлаш ва фойдаланиш;

– буюртмачининг коммунал хизматлар учун харажатларини қоплаш;

– бино худуд майдонини санитар-гигиеник холатини сақлаш ва чиқиндиларни олиб кетиш;

– Ошхона ва ёрдамчи бўлимларини зарур хўжалик инвентари, дезинфекциялаш ва ювиш воситалари, шунингдек соғлиқни сақлаш муассасаларида фойдаланиш учун рухсат этилган бошқа маиший кимёвий моддалар билан таъминлаш;

- Техник асбоб-ускуналаридан, ходимларнинг қўлларидан, ошхона анжомларидан белгиланган тартибда худудий санитария эпидемиологик осойишталик муассасасига текшириш учун суртмалар олишни ташкиллаштириш

– белгиланган тартибда ишлаб чикариш назоратини амалга ошириш;

- сифатсиз тайёрланган махсулотларнинг қийматини хисобдан чиқариш

10. Беморлар овқатларида бевосита фойдаланиладиган хомашё, ярим тайёр махсулотлар ва озиқ-овқат махсулотларига қуйиладиган талаблар.

10.1. Таом ташкил этиш учун мўлжалланган махсулотларнинг сифати ва хавфсизлиги мувофиқлик сертификатлари бўлишини, хайвонлардан олинган махсулотлар борасида эса ветеринариядан кўшимча кузатув хужжатлари билан тасдиқланади.

10.2. Хафта давомида такдим этилган 7 кунлик томномада кунлалик таомларнинг (биринчи таом, иккинчи таом) хилма хил бўлиши ҳамда бир турдаги таом (биринчи таом, иккинчи таом) хафта давомида 2 мартадан ортик такрорланмаслигини лозим.

10.3. Ижрочи томонидан пархезли таомларни тайёрлашда фойдаланиладиган барча озиқ-овқат махсулотлари, буюртмачининг озиқ-овқат бўлимига етказиб бериш вақтига ишлаб чиқарувчи томонидан белгиланган яроқлилик муддатининг камида 70% яроқлилик мудлати захирасига, яроқлилик муддати 10 суткагача бўлган тез айнийдиган махсулотлар учун эса ишлаб чикарувчи томонидан белгинланган яроқлилик муддатининг камида 50% яроқлилик муддати захирасига эга бўлиши лозим.

11. Хизматларни кўрсатиш тартиби:

11.1. Умумий назоратни бош шифокорнинг даволаш ишлари бўйича ўринбосари амалга оширади.

11.2. Буюртмачининг пархез хамшираси куйидагиларни назорат қилади:

- парxез таомлар картотекасидан туғри фойдаланишни;
- келган озиқ-овқат махсулотларини қабул қилиш ва сақлаш қоидаларига, озиқ-овқат махсулотларини пазандалик борасида қайта ишланишига қўйиладиган талабларга риоя килинишини;
- келган озиқ-овқат махсулотларининг техник сифатини, сертификатлар, ветеринария сертификатлари талабларига мувофиқлигини;
- ошхона ва ёрдамчи хоналарда санитария-эпидемиология режимига риоя қилинишини,
- ошхона ходимларининг тиббий профилактика кўригидан ўз вақтида ўтишини

11.3. Буюртмачининг пархезли овқатланиш бўйича хамшираси куйидагиларга хакли:

- кунлик таомномадаги озиқ-овқат махсулотларини кунлик тоамномада берилишига мувофиқлигини текшириш;
- озиқ-овқат махсулотларини ижрочининг озиқ-овқат омборига келганда уларнинг сифатини текшириш;
- озиқ-овқат омборида озиқ-овқат махсулотларини сақлаш шароитларини хамда омбордан чиқарилганда уларнинг сифатини текшириш;
- озик-овкат махсулотларини қозонга солишда иштирок этиш ва бирламчи қайта ишлашдан кейин ярим тайёр махсулотларнинг сифати ва махсулдорлигини текшириш;
- ошхонадан чиқишдан олдин тайёр махсулотнинг сифати ва махсулдорлигини текшириш.

12. Кўрсатилган хизматларни топшириш-қабул қилиш тартиби.

12.1. Тайёрланган пархез таомларни буюртмачининг пархез хамшираси қабул қилади у кунлик таом тарқатиш қайднома дафтарига таомларнинг, миқдори ва сифатини ўрнатилган тартибда текширилганлигини қайд қилади.

12.2. Тайёрланган таомлар тасдиқланган таомномага мувофиқ бўлмаган холларда. буюртмачи қабул қилишни рад этишга ёки ижро чиққан буюртмачи томонидан белгиланган муддатда камчиликларни бепул бартараф этишни, талаб қилишига хақли. Кўрсатилаётган хизматлар

сифатининг лозим даражада эмаслиги натижасидаги камчиликларни бартараф этиш ижрочининг маблағлари хисобига амалга оширилади. 12.3. Бош шифокорнинг ўринбосари овқатланишдаги беморларнинг кундалик маълумотларини назорат қилади.

12.4 Хисоботдан кейинги ойнинг биринчи беш иш кунида ижрочи кўрсатилган хизматларни топшириш-қабул қилиш далолатномасини тузади ва уни икки нусхада буюртмачига топширади. Буюртмачи уч иш куни ичида кўрсатилган хизматларни топшириш-қабул қилиш далолатномасидаги маълумотларни кунлик таомномалар маълумотлари таомнома тартибидаги маълумотлар, овқатланишдаги беморларнинг мавжудлиги тўғрисидаги умумий маълумотлар, бўлимларга овқатларни тарқатиш дафтари маълумотлари билан солиштиради, фарқлар аниқланмаса, кўрсатилган хизматларни топшириш-қабул қилиш далолатномасини икки нусхада имзолайли ва ўз мухри билан тасдиқлайди, уларлан бирини ижрочига беради, бир нусхасини эса ўзида сақлайди. Буюртмачи томонидан имзоланган кўрсатилган хизматларни топшириш-қабул қилиш далолатномасини олган кундан бошлаб икки иш куни ичида ижрочи буюртмачига бундай далолатнома асосида тузилган ҳисоб-фактурани беради.

12.5 Хисоб-фактурада ва кўрсатилган хизматларни топшириш-қабул қилиш далолатномасида ижрочи хизматларни кўрсатиш муддатини, ўрин-кунлар сонини, бир ўрин-кун хисобида битта бемор учун овқатланиш харажатларини ҳамда умумий кийматми кўрсатиши керак.

12.6 Ижрочи томонидан ўз мажбуриятларини бажарилганлигини тасдиқловчи хар икки томоннинг ваколатли вакиллари томонидан кўрсатилган хизматларни топшириш-қабул қилиш далолатномаси хисобланади.

12.7 Кўрсатилган хизматларни топшириш-қабул қилиш далолатномалари ва хисоб фактура хужжатлари кўрсатилган хизмат учун хақ тўлашга асос хисобланади.

12.8 Янги календар йили учун шартнома тузилгунга қадар, эски шартномани узайтириш бўйича қўшимча келишув тузиш имконияти мавжуд.

Танлов бўйича техник топшириқ
1-иловаси

## Хафталик таомнома

| Номи | Берилиш вақти | Дуйшанба | Сейшанба | Чоршанба | Пайшанба | Жума | Шанба | Якшанба |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| Нонушта | 07-30 - 8-00 гача | Манная каша,нон.чой шакар сарёғ | Молоч.рис каша,нон.чой шакар сарёғ | Манная каша,нон.чой шакар сарёғ | Манная каша,нон.чой шакар сарёғ | Молоч.рис каша,нон.чой шакар сарёғ | Тухум,нон.чой шакар сарёғ | Творог сметана,нон.чой шакар |
| Тушлик 1-2 таъомлар | 12-00 - 12-30 гача | Сабзавот шурва, гречка палов,нон.салат Творог,сметана, мева шарбат | Суп перловка, урама гўштли нон Печен,мева шарбат | Суп борш, макарон палов, нон, салат Тухум,мева шарбат | Суп горох, ош,нон.салат Сосиска,мева шарбат | Сабзавот шурва, биштекс,нон Вафли,мева шарбат | Сабзавот суп макарон, шавля гуручли,нон Печен,мева шарбат | Суп мастава, жаркое,нон Вафли,мева шарбат |
| Кечки овқат | 18-00 - 18-30 гача | Суп гужа нон чой | Суп мастава нон чой | Суп гужа нон чой | Суп перловка нон чой | Суп перловка нон чой | Суп гужа нон чой | Суп перловка нон чой |

Танлов бўйича техник топшириқ
2-иловаси

**Ўзбекистон Республикаси ССВ 19.03.1993 йил кунги №122 буйруғига асосан Даволаш профилаткика шифохонларида даволанаётган бир бемор учун кунлик озиқ-овқат махсулотларини миқдори**

| Т/р | Озиқ-овқат махсулотлари номи | Озиқ-овқат махсулотлари миқдори, граммларда | | |
|---|---|---|---|---|
| | | Битта беморга бир кунга граммлар миқдорида | Озиқ-овқат махсулотларининг 2022 йил __________ холатига нархи ( 1 кг, сўмда) | Битта беморнинг бир кунда овқатланиши нархи (сўмда) |
| 1 | Буғдой нони | 0,350 | | |
| 2 | Буғдой уни (1-нав) | 0,015 | | |
| 3 | Макарон махсулотлари | 0,020 | | |
| 4 | Ёрмалар: манний, гречка, арпа, сули, гуруч ва тариқ | 0,080 | | |
| 5 | Картошка | 0,400 | | |
| 6 | Лавлаги | 0,055 | | |
| 7 | Карам тузланган карам | 0,200 | | |
| 8 | Пиёз | 0,020 | | |
| 9 | Петрушка, укроп,сельдер, кўк пиёз | 0,020 | | |
| 10 | Сабзи | 0,060 | | |
| 11 | Бодринг, помидор ва бошқа сабзавотлар | 0,050 | | |
| 12 | Тузланган бодринг ва помидар | 0,010 | | |
| 13 | Мева (олма, хурмо,нок) | 0,200 | | |
| 14 | Қуритилган мевалар | 0,030 | | |
| 15 | Мол ва парада гўшти | 0,150 | | |
| 16 | Тухум | 1 дона | | |
| 17 | Сут | 0,300 | | |
| 18 | Қатиқ простокваша | 0,200 | | |
| 19 | Сарёғ | 0,040 | | |
| 20 | Ўсимлик ёғи | 0,020 | | |
| 21 | Шакар | 0,060 | | |
| 22 | Қандолатчилик махсулотлари (печенье ва вафли) | 0,030 | | |
| 23 | Чой (1-нав) | 0,002 | | |
| 24 | Туз | 0,006 | | |
| 25 | Дрожжи | 0,001 | | |
| 26 | Томат паста | 0,003 | | |
| 27 | Дуккаклилар (мош,нўхат ва ловия) | 0,030 | | |
| 28 | Зираворлар | 0,001 | | |
| | Жами | | | |

Танлов бўйича техник топшириқ
3-иловаси

| Т/Р | Малака талаблари | Бахолаш | Изох |
|---|---|---|---|
| 1 | Ошхона ходимлари шу сохасида камида 3 йил стажга эга бўлиши. ошпазликка ўқиганлиги хақида дипломга эга бўлиши | 10 бал | Сўралган маълумот тўлиқлиги инобатга олинади йўқ бўлса 0 бал бахоланади |
| 2 | Ошхона ходимлари тиббий кўрикдан ўтганлиги тўғрисида маълумот (сан книжка) | 10 бал | Сўралган маълумот тўлиқлиги инобатга олинади йўқ бўлса 0 бал бахоланади |
| 3 | Ошхона ходимлари эмланганлиги тўғрисида Covid 19 сертификати | 10 бал | Сўралган маълумот тўлиқлиги инобатга олинади йўқ бўлса 0 бал бахоланади |
| 4 | Молиявий аҳволи барқарорлиги, солиқ ва бошқа мажбурий тўловлардан қарздорлиги мавжуд эмаслиги | 10 бал | Сўралган маълумот тўлиқлиги инобатга олинади йўқ бўлса 0 бал бахоланади |
| 5 | Мавжуд техникалари бўйича маълумот | 10 бал | Сўралган маълумот тўлиқлиги инобатга олинади йўқ бўлса 0 бал бахоланади |
| 6 | Шифохона ошхона ходимларини ишга олиб қолиш хақида шифохона иш хақидан кам бўлмаган бўлишлиги.(ошпаз, ошхона ишчиси, пархез хамшираси) | 10 бал | Сўралган маълумот тўлиқлиги инобатга олинади йўқ бўлса 0 бал бахоланади |
| 7 | Беморга 3 махал (нонушта, тушлик 1-2 таом ва кечки овқат) учун 25 кишилик бир хафталик меню бўйича ўртача бир кунга харажати кўрсатилган бўлиши | 10 бал | Сўралган маълумот тўлиқлиги инобатга олинади йўқ бўлса 0 бал бахоланади |
| | | | |